

المختصر في صفة العمرة وأحكامها
(الجمعية)

УМРАНИНГ СИФАТИ ВА
АҲКОМЛАРИ ҲАҚИДА
МУХТАСАР РИСОЛА

Умранинг сифати ва аҳкомлари ҳақида мухтасар рисола

Оламлар Рабби Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсин! Набийимиз Муҳаммадга, аҳли оилалари ва асҳобларига салавоту саломлар бўлсин!

Аммо баъд:

Бу рисола - умранинг сифати, аҳкомлари ва одоблари ҳақида мухтасар қўлланма бўлиб, унда умра қилмоқчи бўлган киши кўпроқ муҳтож бўладиган маълумотларни баёнлашга ҳаракат қилдик.

Аллоҳ таолодан бу ишимизни холис Ўзининг юзи учун қилишини ва барча мусулмонларга бу китоб орқали манфаат беришини сўраймиз.

Ҳар хил тиллардаги исломий мазмунга эга хизматлар бўйича илмий қўмита

Муқаддима

Биринчи: Ибодатнинг қабул бўлиш шартлари

Ибодат Аллоҳ таолонинг наздида қабул бўлиши учун икки шарт топилиши лозим:

1. Ихлос - инсон амали билан Аллоҳнинг юзини ва охират кунини исташи. Аллоҳ таоло айтади:

﴿وَمَا أُمِرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا اللَّهَ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ حُنَفَاءَ﴾,

«Ҳолбуки, улар фақат Аллоҳгагина ибодат қилишга, Унинг динигагина ихлос қилишга, бошқа динларга мойил бўлмасликка, буюрилган эдилар...»¹ [Баййина: 5]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса:

﴿إِنَّمَا الْأَعْمَالُ بِالنِّيَّاتِ، وَإِنَّمَا لِكُلِّ امْرِئٍ مَا نَوَى﴾.

«Албатта, амаллар ниятларга кўра (баҳоланади). Ва ҳар бир кишига ўзи ният қилган нарсаси бўлади», – деганлар.²

2. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга сўзу амалда эргашиш. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

﴿مَنْ أَحْدَثَ فِي أَمْرِنَا هَذَا مَا لَيْسَ فِيهِ فَهُوَ رَدٌّ﴾

«Ким бизнинг мана бу ишимизда ундан бўлмаган янги нарсани чиқарса, у (иши) рад қилингандир», деганлар».³ Бошқа ривоятда шундай дейилган:

¹ Яъни: Унга ва Унга ибодат қилишга юзланган ҳолда, Ундан бошқасидан юз ўгирган ҳолда.

Тафсири Саъдий (538-бет)

² Имом Бухорий (1) ва имом Муслим (1907).

³ Имом Бухорий (2697) ва имом Муслим (1718).

«مَنْ عَمِلَ عَمَلًا لَيْسَ عَلَيْهِ أَمْرُنَا فَهُوَ رَدٌّ».

«Ким бизнинг ишимизда бўлмаган бир амални қилса, у рад қилинур».¹

Умранинг сифати ва аҳкомларини ўрганишнинг ҳукми

Кимки Аллоҳ таолога ибодат қилишни хоҳласа, ибодати суннат асосида бўлиши учун Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини ўрганиши лозим. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларни ўзларига эргашиш ва уларнинг тутган йўлларини тутган ҳолда ҳидоят топишга тарғиб қилар эдилар. Молик ибн Хувайрис разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«صَلُّوا كَمَا رَأَيْتُمُونِي أُصَلِّي».

«Менинг намоз ўқиётганимни кўрганингиздек намоз ўқинглар!», деганлар.²

Жобир разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

¹ Имом Муслим (1718).

² Имом Бухорий (6008).

«رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَزِمِي عَلَى رَاجِلَيْهِ يَوْمَ النَّحْرِ وَيَقُولُ: لِتَأْخُذُوا مَنَاسِكَكُمْ، فَإِنِّي لَا أَدْرِي لَعَلِّي لَا أَحُجُّ بَعْدَ حَجَّتِي هَذِهِ».

Набий соллаллоху алайҳи ва салламни Наҳр куни туяларининг устида: «Мендан маносикларни ўрганиб олинглар. Мен билмайман, балки, бундан кейин бошқа ҳаж қилмасман», дея тош отаётганларини кўрдим.¹

Умранинг фазилати

Умранинг икки фазилати бор: умумий ва хос.

Умумий фазилати:

Абу Ҳурайра разияллоху анху ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам:

«الْعُمْرَةُ إِلَى الْعُمْرَةِ كَفَّارَةٌ لِمَا بَيْنَهُمَا، وَالْحَجُّ الْمَبْرُورُ لَيْسَ لَهُ جَزَاءٌ إِلَّا الْجَنَّةُ».

«Умра (кейинги) умрагача иккаласи орасидагиларга каффоратдир. Мабрур ҳажнинг мукофоти эса фақат жаннатдир», дедилар.²

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоху анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам:

«تَابِعُوا بَيْنَ الْحَجِّ وَالْعُمْرَةِ، فَإِنَّهُمَا يَنْفِيَانِ الْفَقْرَ وَالذُّنُوبَ كَمَا يَنْفِي الْكَبِيرُ [8] خَبَثَ الْحَدِيدِ وَالذَّهَبِ وَالْفِضَّةِ، وَلَيْسَ لِلْحَجِّ الْمَبْرُورِ ثَوَابٌ إِلَّا الْجَنَّةُ».

¹ Имом Муслим 1297.

² Имом Бухорий (1773) ва имом Муслим (1349).

«Ҳаж ва умрани бирини бошқасига эргаштиринглар (яқин бажаринглар)! Чунки ҳаж ва умра иккиси темирчининг босқони темир, кумуш ва тиллонинг зангини кетказгандек камбағалликни ва гуноҳни кетказади», – деганлар.¹²

Хос фазилатлари Рамазон ойида: Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинадики Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«عُمْرَةٌ فِي رَمَضَانَ تَقْضِي حَجَّةً مَعِيَ».

«Рамазондаги умра мен билан ҳажга тенг», деганлар.³

Умранинг сифати

Биринчи: Мийқотларнинг аҳкомлари

Мийқотлар: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаж ва умрага бормоқчи бўлган инсонлар учун белгилаб берган жойлари.

Ким уларнинг бирига ҳаж ёки умрани ният қилган ҳолида келган бўлса, эҳромсиз ўтиши мумкин эмас.

¹ Тирмизий ривояти (810) ва Насоий (2631).

² .

³ Имом Бухорий (1863) ва имом Муслим (1256).

Ким мийқотга қараганда Маккага яқин бўлса, мийқоти ўша ер. Турган жойидан ҳаж ёки умрага эҳром боғлайверади.

Макка аҳли ва у ерда эҳромга киришни ният қилганлар эса — ҳаж учун Маккадан эҳромга кирадилар. Аммо умрага келсак, улар «ҳилл» ҳудудига чиқиб, у ердан эҳромга кирадилар. Масалан Танъим ва шу каби жойлардан.

Кимки самолётда бўлса — эҳромга мийқот ҳудудига етиб борганда киради. Шунинг учун у олдиндан тайёргарлик кўриб, мийқотга яқинлашишидан аввал эҳром кийимини кийиши лозим. Мийқотдан ўтаётганда эса, дарҳол эҳромга киришга ният қилади. Буни аэропортга қўнишгача кечиктириш мумкин эмас. Ҳатто эҳтиёт учун, баъзи уламоларнинг фикрига кўра, самолёт тезлиги ва мийқотдан ўтиб кетиш хавфи борлиги сабабли, мийқотга етиб келмасидан аввалроқ талбия айтиб эҳромга кириб олиши мумкин.

Иккинчи: Эҳромнинг сифати ва аҳкомлари

Эҳромга кирмоқчи бўлган инсон қуйидагиларни бажариши машруъ қилинган:

1. Ғусл олиш. Бу эркаклар ва аёллар, ҳаттоки, ҳайз ва нифос кўрган аёлларга нисбатан ҳам суннати муаккададир.

2. Мушк анбар ва шу кабиларни сочи ва соқолига сепиб хушбўйланиши. Унинг ҳиди эҳромга киргач таралиб турган бўлса ҳам бўлаверади. Аёл киши эса номахрам эркаклар ҳидламаслиги учун ҳиди бор нарса билан хушбўйланиши мумкин эмас.

3. Эҳром кийимини кийиш — яъни изор ва ридо кийиш лозим. Суннатга мувофиқ, улар оқ, тоза ёки янги бўлиши афзал.

Аёл киши эса зийнاتини намоён қилмаса, хоҳлаган кийимини кийиши мумкин. Лекин у ниқоб (яъни юзни тўлиқ ёпадиган парда) ва қўлқоп кийишдан тийилиши керак. Бундан ташқари, юзи ва қўлларини бошқа турдаги мато билан ёпади.

4. Фарз ёки нафл намоздан кейин эҳромга кириш суннатдир.

У: «Лаббайкаллоҳумма умротан», дейди.

Маъноси: Аллоҳим умрага лаббай дедим.

Агар бошқанинг номидан умра қилаётган бўлса: «Лаббайкаллоҳумма умротан ёан Фулан», – дейди.

Маъноси: Аллоҳим фалончининг номидан умрага лаббай.

Агар эҳромга кирмоқчи бўлган киши ўз ибодатини тўлиқ адо этишга тўсқинлик қиладиган бирор хатардан қўрқса, у ҳолда эҳромга кириш чоғида шарт қўйиши лозим. У шундай дейди: «Лаббайкаллоҳумма умратан, ва ин хабагани хабишун, фа маҳиллий хайсу хабагани».

Маъноси: «Ё Аллоҳ, Сен учун умрага ният қилдим, агар менга бирор нарсга тўсиқ бўлса, тўсқинлик қилинган жойимдан ҳалол бўламан».

Агар у шарт қўйган бўлса ва кейинчалик ҳақиқатан ҳам унга нусукни (ҳаж ёки умрани) тўлиқ адо этишга тўсқинлик қилувчи ҳолат юз берса, у ҳолда эҳромдан чиқса бўлади ва бунинг

учун унга ҳеч қандай гуноҳ ва каффоратини ўташи лозим бўлган нарсა йўқ.

Сўнгра у талбияни кўп айтади:

«Лаббайкаллоҳумма лаббайк, лаббайка ла шарика лака лаббайк, иннал-ҳамда ван-ниъмата лака вальмулк, ла шарийка лак».

Маъноси: «Сенинг чақирувингга лаббай демоқдаман, эй Аллоҳ, Сенинг чақирувингга лаббай. Сенинг шеригинг йўқ, Сенинг чақирувингга лаббай. Албатта, ҳамд ва неъмат Сенга хос, шунингдек, мулк ҳам. Сенинг ҳеч қандай шеригинг йўқ».

Эркак киши буни овозини баланд қилиб айтади. Аёл киши ҳам ёнида нотаниш эркаклар бўлмаса баланд овозда талбия айтади.

Эҳромдаги киши талбияни айтишни кўпайтириши лозим. Айниқса, ҳолатлар ва вақтлар ўзгарганда — масалан, тепаликка чиққанда, пастликка тушганда, тун ёки кун кирганда ва шунга ўхшаш пайтларда.¹

¹ Инсоннинг «Лаббайк» сўзини айтиши — «Эй Раббим, Сенинг чақиривингга итоат билан жавоб бердим, яна ва яна жавоб бердим» деган маънони англатади. Бу Аллоҳнинг бандаси ўз

Умрада инсон эҳромга киргандан тавофни бошлагунга қадар талбия айтиши машруъ.

Эҳромда бўлган шахс эҳромдан чиқмагунича эҳромда ҳаром қилинган ишларга йўл қўйишдан эҳтиёт бўлиши лозим.

Учинчи: Тавофнинг сифати

Агар эҳромдаги киши Масжидул Ҳаромга кирса, у ҳолда ўнг оёғини илгарилатиб кириши

Раббига итоат қилишини ва Унинг буйруғида туришини ифода этади.

«Инналҳамда ван-ниъмата лака вальмулк» — бу сўзларнинг маънолари қуйидагичадир:

Алҳамд — бу мақтовга лойиқ Зотни муҳаббат ва улуғлаш билан комил деб сифатлаш. Агар ҳамд кўп такрорланса, у сано деб аталади.

Неъмат — Аллоҳ таоло ўз бандаларига берадиган яхшиликлар: улар талаб қилган нарсаларни бериши ва ёмонликлардан сақлаши.

Мулк — «ва мулк Сенгадир» деган маънони англатади. Яъни, барча ҳукмронлик ва моликлик фақат Аллоҳга тегишли.

«Ла шарийка лак» — яъни: «Сенинг ҳеч қандай шеригинг йўқ» — Аллоҳга хос бўлган барча комил сифатларда, шу жумладан, ягона ҳукмронлик, яратиш, бошқариш ва илоҳийликда ҳеч ким Унга шерик эмас.

(Манба: Ибн Усаймин фатво ва рисоалари тўплами, 22-жилд, 96-бет. Қисқартирилган).

суннат ҳисобланади ва масжидга кириш дуосини айтса яхши бўлади. Бу борада энг саҳиҳ ривоят қилинган дуо шундай:

«Аллоҳуммафтаҳ лий абваба раҳматика»

(«Эй Аллоҳ, раҳматинг эшикларини менга оч!»).

Бу дуо фақатгина Масжидул Ҳаромга эмас, балки ҳар қайси масжидга кирганда ҳам айтилади.

Агар тавофни бошламоқчи бўлса, у ҳолда талбияни тўхтатади ва изтибоъ қилади.

Изтибоънинг тарзи шундай: ридонинг ўрта қисмини ўнг қўлиғи остига ўтказиб, икки учини чап елкаси устига қўяди.

Товоф тугагач эса, ридосини аввалги ҳолатига қайтариб олади. Чунки изтибоъ фақат тавоф вақтида амалга оширилади.

Сўнгра Қора тош (Ҳажарул асвад) ёнига бориб, ўнг қўли билан уни силайди ва ўпади. Агар ўпиш имкони бўлмаса, қўли билан силаб, қўлини ўпади. Агар қўли билан ҳам силашнинг иложи бўлмаса, таёқ каби бирор нарса билан силаб, ўша нарсани ўпади. Агар бу ҳам мумкин

бўлмаса, Қора тош томон юзланиб, қўли билан унга ишора қилади, лекин қўлини ўпмайди.

Одамлар билан тиқилишмаслик афзалроқ. Чунки уларга озор бериб ёки озор кўриб қолиши мумкин.

Ҳажарул асвадни ушлаётганда ёки унга ишора қилаётиб: «Аллоҳу акбар», дейди.

Сўнг ўнг томонга бурилиб Каъбани ўзининг чап томонида қилиб юра бошлайди. Рукнул ямонийга етганда, уни ўпмасдан қўли билан силайди. Агар бу имконсиз бўлса, у ҳолда одамларга озор бериб турткилашмайди ва унга қўл билан ҳам ишора қилмайди.

Рукнул ямоний ва Ҳажарул асвад ўртасида: «Роббанаа аатинаа фиддуня ҳасанаҳ ва фил аахироти ҳасанаҳ ва қинаа ъазаабаннаар», – дейди.

Ҳар сафар Ҳажарул асвад ёнидан ўтганда: «Аллоҳу акбар», – деб, унга ишора қилади.

Тавофнинг бошқа қисмларида ўзи хоҳлаган дуо, зикр ва Қуръонини ўқийверади.

Илк уч шавтда рамал қилиш суннатдир. Рамал – қадамларни майда ташлаб, тезлаштирилган ҳолда ҳаракат билан

юришдир. Қолган тўрт шавтда эса рамал қилинмайди, балки, одатдагидай юрилади.

Тавофни тамомлагач мақоми Иброҳим томонга қараб юради ва ушбу оятни ўқийди:

﴿...وَاتَّخِذُوا مِنْ مَّقَامِ إِبْرَاهِيمَ مُصَلًّى...﴾

«...Ваттахизуу мин мақоми Иброҳийма мусоллаа...».

Маъноси:

«...Ва Иброҳимнинг мақомини намозгоҳ тутинг...» [Бақара: 125] Сўнгра, агар имкон топилса, мақоми Иброҳим орқасида икки ракат намоз ўқийди. Агар у ерда ўқиш имконсиз бўлса, масжиднинг исталган жойида ўқиши мумкин. Биринчи ракатда Фотиҳадан сўнг:

﴿قُلْ يَا أَيُّهَا الْكَافِرُونَ﴾

«Қўл яаа аййўҳал-каафируун» сурасини [Кофирун: 1] Иккинчи ракатда эса Фотиҳадан кейин:

﴿قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ﴾

«Қўл ҳуволлоҳу аҳад» сурасини ўқийди. [Ихлос: 1]

Тўртинчи: Саъйнинг сифати

Агар тавоф ва унинг икки ракат намозини тугатган бўлса, у ҳолда саъй қилиш учун Сафо томон йўл олади. Сафо тепалигига яқинлашганда эса қуйидаги оятни ўқийди:

﴿إِنَّ الْأَصْفَا وَالْمَرْوَةَ مِنْ شَعَائِرِ اللَّهِ...﴾

«Иннас-Софа вал-Марвата мин шаъаириллах».

«Сафо ва

Марва (тоғлари) Аллоҳнинг ибодат қилинадиган ерларидир». [Бақара: 158] Сўнггра:

﴿أَبْدَأُ بِمَا بَدَأَ اللَّهُ بِهِ﴾.

«Аллоҳ бошлагани билан бошлайман», – дейди.¹

Сўнг Сафо тепалигига Қаъбани кўргунича ёки у томонни кўра оладиган жойгача чиқади. Кейин Қаъба томон юзланиб, Аллоҳни яккалайди, У Зотни улуғлайди ва шундай дейди:

﴿لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ لَا شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ، وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَحْدَهُ، أَنْجَزَ وَعْدَهُ، وَنَصَرَ عَبْدَهُ، وَهَرَمَ الْأَحْزَابَ وَحْدَهُ﴾، ثُمَّ دَعَا بَيْنَ ذَلِكَ. قَالَ مِثْلَ هَذَا ثَلَاثَ مَرَّاتٍ.

¹ Имом Муслим (1218).

«Лаа илааха иллаллоху ваҳдаҳу ла шарика лаҳ, лаҳул-мулку ва лаҳул-хамд, ва Ҳува Ўала кулли шайъин қодир. Ла илаҳа иллаллоху ваҳдаҳ, анжаза ваъдах, ва насаоро Ўабдах, ва ҳазамал-аҳзаба ваҳдах».

Маъноси:

«Ягона Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Унинг шериги йўқ. Мулк Уники, ҳамд ҳам Унга хос. У ҳар бир нарсаса қодир. Ягона Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. У ваъдасини бажарди, бандасига ёрдам берди ва душман тўдаларини Ўзи мағлуб қилди».

Ҳудди шу зикрни уч маротаба айтиб ораларида дуо қилади.

Сўнгра Сафодан Марвага пиёда тушади. Агар яшил белгига етса, у ерда тезроқ юради. Иккинчи яшил белгига борганда эса, одатдагидай юради. Аёллар учун эса тезроқ югуриш машруъ эмас.

Агар Марвага етса, у ерда ҳам Сафода қилган амалларини қилиши суннатдир.

Сўнгра Марвадан Сафога пиёда қайтиб тушади. Яшил белгига етганда тез юради, иккинчи яшил белгига боргач эса одатдаги юришида давом этади.

Шу тарзда етти марта саъйни тўлиқ бажаради. Сафодан Марвага қараб юриш — бир

шавт, Марвадан Сафога қайтиш эса — иккинчи шавт ҳисобланади.

Саъй давомида истаганча зикр, дуо ва Қуръон тиловат қилиши мумкин.

Бешинчи: Сочни қириш ёки қисқартиришнинг сифати

Агар умра қилувчи тавофи ва саъйини тугатса, эркак киши бўлса, сочини қириш ёки қисқартириш вожиб бўлади. Соч олиш ёки қисқартириш пайтида тўлиқ бошни қамраб олиши суннатдир.

Сочни қириш қисқартиришдан кўра афзалроқ. Лекин агар ҳаж вақти яқин бўлиб, бош сочининг қайта ўсишига фурсат етмайдиган бўлса, у ҳолда фақат қисқартиришни ихтиёр қилиш афзал ҳисобланади.

Аёл киши эса сочининг учидан бир бармоқ бўғими миқдорида қисқартиради.

Эҳромда таъқиқланган ишлар

Эҳромда таъқиқланган ишлар қуйидагилар:

1. Баданнинг бирор қисмидан тукларни қириш, қисқартириш ёки юлиш.

2. Қўлнинг ёки оёқнинг баъзи ёки барча тирноқларини олиш.

3. Бошни тўғридан тўғри тегиб турадиган нарса билан ёпиш: дўппи, рўмол, салла, ридо, дастрўмол, кўрпа, картон ёки шу каби бошни ёпиш мақсадида ишлатиладиган нарсалар. Бу аёлларга эмас, эркакларга хосдир.

4. Оддий ҳолда кийиладиган, тана шаклига мос қилиб тикилган кийимларни кийиш. Масалан, тикилган тўн, иштон, кўйлак, пайпоқ, қўлқоп ва шу кабилар — эҳромда бўлган эркаклар учун ман этилган. Бу ҳукм фақат эркакларга хосдир. Аёлларга эса қуйидаги нарсалар ман қилинган:

А. Аёлларга эҳромда ниқоб, бурқа ёки ниқобга ўхшаш юзни ёпадиган либосларни кийиш ман этилган. Аммо номаҳрам эркаклар бор жойда юзини мато билан тўсиши лозим, ҳатто, ўша мато юзига тегиб турса ҳам. Лекин юзга мато тегмаслиги учун бошига тасма ёки шу каби нарсани боғлаш шаръан жоиз эмас, чунки бунинг жоизлигига далил йўқ.

Б. Аёл киши эҳромда қўлқоп кийиши мумкин эмас. Аммо номаҳрам эркаклар бор жойда қўлларини абаяси ичига олиб ёпиши шарт.

5. Ўзи ёки кийимини хушбўйлантириш.

6. Қуруқликдаги ҳайвонларни ўлдириш ёки ўлдирмаса ҳам овлаш.

7. Ўзи ёки бошқани унаштириш.

8. Никоҳ ўқитиш.

9. Фарждан бошқа жойларга тегиш, ўпиш ва шаҳват билан ушлаш.

10. Жинсий алоқа қилиш.

Умра амалларининг хулосаси:

1. Ғусл қилиш.

2. Хушбўйланиш.

3. Эҳром кийимларини кийиш.

4. Эҳром, маносикларга киришга ният қилиш.

5. Талбия айтиш.

6. Каъба атрофида тавоф қилиш.

7. Мақом ортида икки ракат намоз ўқиш.

8. Сафо ва Марва ўртасида саъй қилиш.

9. Сочни қириш ёки қисқартириш. Аллоху аълам! Набийимиз Муҳаммадга Аллоҳ таолонинг салавоту саломи бўлсин!

Мундарижа

Умранинг сифати ва аҳкомлари ҳақида мухтасар рисола	2
Муқаддима	2
Биринчи: Ибодатнинг қабул бўлиш шартлари.....	2
Умранинг сифати ва аҳкомларини ўрганишнинг ҳукми .	4
Умранинг фазилати	5
Умранинг сифати.....	6
Биринчи: Мийқотларнинг аҳкомлари	6
Иккинчи: Эҳромнинг сифати ва аҳкомлари	8
Учинчи: Тавофнинг сифати	11
Тўртинчи: Саъйнинг сифати.....	15
Бешинчи: Сочни қириш ёки қисқартиришнинг сифати	17
Эҳромда таъқиқланган ишлар.....	17
Умра амалларининг хулосаси:	19